

**ЭКРАНДА ҲАЁТИЙ ВА ТЎҚИМА ОБРАЗ ИФОДАСИ
(АКРОМ ШАҲНАЗАРОВ ФИЛЬМЛАРИ МИСОЛИДА)**

Ниязова Хафиза Хакимовна

ЎзР ФА Санъатшунослик институти

“Кино санъати ва телевидение” бўлими

кичик илмий ходими

Аннотация. *Мазкур мақолада режиссёр Ақром Шаҳназаровнинг “Юрак йиғлар”, “Ҳамроҳ” ва “101-рейс” фильмлари таҳлилга тортилган. Ижодкорнинг ҳаётий ва тўқима образ яратишдаги изланишлари тадқиқ этилиб, якуний хулоса берилган.*

Калит сўзлар: *Ақром Шаҳназаров, сценарий муаллифи, режиссёр, актёр, оператор, рассом, ҳаётий образ, тўқима образ, қаҳрамон, прототип.*

Ҳар бир режиссёр ўзи ният қилган қаҳрамонларни экранга олиб чиқишга интилади. Бундай режа йиллар силсиласида такомиллашиб боради. Кино режиссёрлардан бири Ақром Шаҳназаров фильмографияси ҳам бунга мисол бўлади.

2010 йилда “Нола” номли илк фильмини суратга олган режиссёрнинг бу ижод маҳсули катта экранда намойиш этилмайди. Шундан сўнг Ақром Шаҳназаров анча пайтгача клип ва роликлар ишлайди. 2014 йилда “Юрак йиғлар”, 2017 йилда “Ҳамроҳ”, 2022 йилда эса “101-рейс” фильмларини яратади.

Ақром Шаҳназаров фильми қаҳрамонлари таққосланганда, режиссёр ижодида муҳим тенденция кузатилади. У аввалига қаҳрамонларини ўзи хаёлан яратишга уринган бўлса, кейинчалик яқин ўтмишда жасорат кўрсатган, айти даврда мавжуд прототиплар асосида замондошлар образини гавдалантиришга бўлган қизиқиши сезилади.

Ақром Шаҳназаровнинг “Юрак йиғлар” фильми (сц. муал. Комил Фозилов, Ақром Шаҳназаров; оператор Беҳзод Пўлатов; рассом Ҳусан Рўлатов; “KO`ZGU FILM” маҳсулоти, 2014 й.) қаҳрамони Алининг (Сарвар Азимов ижросида) ота-онаси чет элда яшайди. Унинг дўстлари билан муносабатлари жуда яхши. Ўзига тўқ оиланинг бу ўғлига ҳамма нарса етарли, фақат юрагининг “эгаси” йўқ.

Беҳрузинг (Комил Фозилов ижросида) эса ота-онаси ёмғир ёққан кунда автоҳалокат туфайли вафот этган. Шу боис ҳар гал осмон “йиғлаган” да у яна яқин кишисидан айриладигандек кўнгли ғаш бўлади.

Афруза (Зарина Низомиддинова ижросида) билан танишганига кўп бўлмаган Беҳруз қизнинг туғилгани куни баҳонасида байрамни бирга нишонлаш учун уни ресторанга таклиф қилади. Афсуски, қиз билан учрашиш учун ҳамма нарсани олдиндан жуда чиройли ташкиллаштирган йиғит

белгиланган вақтда манзилга бормади. Анча вақтгача уни интиқлик билан кутган қиз бу ерда ўтириш бефойда эканини тушуниб етиб, йиғлаб кўчага чиқади.

Кўзларидан алам ёшлари оқаётган бўлишига қарамай, чиройли бу қизни кўчада кўрган Али у билан суҳбатлашишга ҳаракат қилади. Қиз рад жавобини бергани сайин йигит унга талпинади. Бу ҳислар йигит қалбида муҳаббат аталмиш улуғ туйғуни уйғотади. Муҳаббат ҳиссини туйишда биргина Алининг севгиси камлик қилади, чунки қизнинг кўнгли бошқа йигитда. Гарчи Бехруз ўша кундан бери дом-дараксиз кетган бўлса-да, Афруза уни сира унутолмайди.

Афрузанинг қўлини сўраш учун уни ресторанга таклиф қилиб, ўзи келмаган йигит бу қиздан нима учун юз ўгирганининг асл сабабини излашга тушган Али бор ҳақиқатдан хабар топади: ўша куни Бехруз кутилмаганда автоҳалокат туфайли шифохонага олиб кетилади. Жонлантириш бўлимида ўзига келгач, унга бошқа юра олмаслиги, тўғрироғи, ногирон бўлиб қолганини айтишади. Шу боис у севган инсонининг ҳаётидан бутунлай ўчади. Чунки у севгилиси бутун умр унга ачиниб, қийналиб яшашини истамайди. Бироқ у доимий равишда укаси орқали Афруза ҳақида маълумотлар билан танишиб боради: қаерга боряпти, кимлар билан учрашяпти...

Орадан маълум вақт ўтиб, Али Афрузанинг ишончига кириб, қўлини сўраш учун уни тоғга таклиф қилади. Йўлда кетаётган қиз тасодифан бир пайтлар Бехруз танловда ютиб олиб, унга берган қизил юрак — эсдалик совғасининг чироғи ёнганини кўриб, атрофдан кўнгил қўйган ўша илк муҳаббатини қидириб, топади. Афруза Бехрузнинг ногирон бўлиб қолганига қарамай, у билан тақдирини боғлашга қарор қилади.

Бир қарашда “Юрак йиғлар” фильми соф муҳаббат туйғуларини тараннум этгандек тасаввур уйғотса-да, ғоявий нуқтаи назардан ўзига хос камчиликлардан холи эмаслигини ҳам англаш мумкин. Икки йигитнинг қалбидан ўрин олган Афруза нима учундир сира ота-онаси билан ҳисоблашмайди, ўзи мустақил қарор қабул қилади. Кундузи ҳам, тунда ҳам ёқтирган инсони билан бемалол учрашади, ваҳоланки, бундай одат ўзбек миллатига мансуб қизлар учун хос хусусият эмас. Ҳаттоки, тунда кеч қайтганда ҳам ота-онаси уни бирор марта “Қаердасан?”, деб йўқламайди. Бундай ёндашув ёш қизлар онгига салбий таъсир этиши мумкинлигини унутмаслик керак. Тўрт дўстнинг ҳам оиласи кўрсатилмайди. Уларнинг ҳаммаси мустақил шахс, ўзи истаганча яшайди.

Фильм финали ажойиб — севиб севилмаган Али Афрузани унутиш учун чет элга кетади. Меҳмонхонага жойлашган йигит қўшни хонадан эшитилаётган баланд овозли мусиқани пастлатишини сўраб эшик тақиллатади. Эшикни очган қиз ташқи кўринишидан худди Афрузанинг ўзи. Фарқи бошида парик ва бошқа тилда гапиришини ҳисобга олмаса, унинг ўзгинаси.

Эшикни орқасидан ёпган қиз онасининг “Ким экан?”, деган саволига ўзбек тилида жавоб бериши томошабинни ўйлантириб қўяди: бу ўша Афрузами ёки бошқа қиз, деган жумбоқли савол пайдо бўлади. Чунки ҳар икки образни ҳам айнан Зарина Низомиддинова ижро этган. Бундай ёндошув томошабинни фикр юритишга ундайди.

Сюжетдаги бурилишлар, асосан, ёмғир ёғаётган кунда рўй беради. Режиссёр бундай табиат ҳодисасини юракнинг йиғлашига қиёслайди. Ёмғир ёғаётган пайтда дераза ойнасига бармоқ билан “Юрак йиғлар” деб ёзилиши фильм номини ноанъанавий услубда кўрсатиш учун алоҳида изланиш олиб борилганини тасдиқлайди.

Қаҳрамонлар ҳаётини эмас, тўқима экани, қолаверса, одамнинг ишониши қийин бўлган воқеаларнинг фильмга зўрма-зўраки киритилиши айрим стереотипларни такрорлагандек кўринади. Бироқ режиссёрнинг айрим ижодкорлар сингари қайнона-келин муносабатлари эмас, ёшлар ўртасидаги муносабатларга урғу бергани аҳамиятли.

Сценарий муаллифи ва режиссёр Ақром Шаҳназаровнинг “**Ҳамроҳ**” фильми (“*ACTION FILMS*” маҳсулоти, 2017 й.) қаҳрамонлари ҳам ўйлаб топилган бўлса-да, ўзбек киносида янги мавзуга мурожаат этилгани билан аҳамиятлидир. Отасини кўрмаган, онаси вафот этиб, ўзи ёлғиз яшайдиган Ёдгор (*Адиз Ражабов ижросида*) ҳар куни Тошкентдан Бухорога юк машинасида қатнаб, ишлайди.

Кунларнинг бирида қарама-қарши йўл четида машина тўхтатаётган қизга (*Юлдуз Ражабова ижросида*) кўзи тушади. Ёдгор Бухорога кетаётганида учратган бу қиз, яъни Мунисани ортга қайтганда ҳам кўради. Бирорта ҳайдовчи унга парво қилмагани учун тўхтаб, қизни олиб кетади.

Қаҳрамоннинг йўл юриши услуби қўлланилган ушбу фильм аввалига жуда жўндек кўринади. Кейинчалик эса воқеалар ривожини динамикани кучайтиради. Йигит йўловчини хонадонига олиб борар экан, унинг гапларидан ғазабланган қизнинг отаси — Дониёр ака (*Карим Мирходиев ижросида*), ҳайратдан ёқа ушлаган онаси — Жамила опа (*Лола Элтоева ижросида*) ва бўлаётган воқеаларга ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмаётган сингил — Мухлисанинг (*Нафосат Шодиева ижросида*) вазоҳатини кўриб ҳайратланади. Чунки йигитнинг “Қизингизни олиб келдим”, деган гапига жавобан ота унинг қизи 7 йил аввал оламдан ўтганини, нима учун уларнинг ярасини янгилаётганини айтиб, Ёдгорни калтаклайди.

Нималар содир бўлаётганини билмай, аросатда қолган йигит бу руҳ нега айнан унинг кўзига кўрингани билан қизиқади. Балки доимий равишда онасининг руҳи билан гаплашгани учун бу қизнинг руҳи айнан унга кўрингандир?! Фильмнинг энг муваффақиятли кадрларидан бири айнан йигит ва қиз ошхонада овқатланиб ўтирган чоғида зоҳир бўлади. Тепада илиниб турган паррак бир айланганда Муниса Ёдгорнинг ёнида ўтирган бўлса, кейинги

гал паррак айланиб келганида қиз кўринмайди. Бундан шундай хулоса келиб чиқади, ҳозирда йигитнинг кўзига кўринган бу қиз аслида ҳаёт эмас, у йўқ. Унинг бу ерда руҳи бор, холос. Бу фикрнинг кинематографик талқинини режиссёр Ақром Шаҳназаров ажойиб усулда қўллаган. Шундагина Ёдгор машинасига ўтказиб олиб келган қиз унинг кўзига кўринган инсон эмас, балки руҳ экани ойдинлашади.

Беайб айбдор бўлиб қолаётган йигитга ачинган Мунисанинг синглиси Мухлиса опаси ҳақида маълумот бериш учун кечқурун Ёдгорнинг хонадонига боради. Опаси Азиз исмли бир йигит (*Бобур Йўлдошев ижросида*) билан аҳду паймон қилганини, аммо отаси уни дўстининг ўғлига унаштирганини, тўйга бир ҳафта қолганида опаси ўзи кўнгил қўйган ўша инсон билан қочиб кетгани ва 2 кундан кейин уйига жасади олиб келинганини айтади. Мухлиса яқинда опасининг ўлимига сабаб бўлган ўша йигитни кўрганини айтиб, унинг иш жойи ёзилган қоғозни қолдиради.

Азиз билан учрашган Ёдгор уни Мунисанинг хонадонига олиб бориб, бўлган воқеани ўз оғзи билан айтишга мажбурлайди. Шундагина ота-она розилигисиз уйдан қочган қиз йўлда улар ўтирган машинада автоҳалокат туфайли вафот этгани, Азиз эса уни қамаб қўйишларидан кўрқиб, воқеа жойидан қочиб кетганини тан олади.

Доимо отаси билан бамаслаҳат иш қиладиган Муниса тақдир масаласида у билан ҳисоблашмаганига Дониёр ака ачинади. Билганида танлов имкониятини ўзига беришини кўнглидан ўтказади, аммо на чора, энди кеч. Отанинг биргина йўли — қизидан рози бўлиш. Дониёр ака ўз розилигини автоҳалокат юз берган жойга бориб, дарахт экиб, унга оқ рўмолча боғлаши кадри орқали берилади. Шундан кейингина безовта руҳ тинчланиб, Ёдгорнинг кўзидан ғойиб бўлади.

Актриса Юлдуз Ражабова ижросидаги бу образ бир қарашда телба қиздек тасаввур уйғотади, аммо кейинчалик унинг руҳ экани, шу боис у ўзини мана шундай тутаётгани аён бўлади.

Ақром Шаҳназаров ушбу фильм финалини ҳам жумбоқ билан якунлайди. Йўлда машинада кетаётган Ёдгор онасининг руҳи билан гаплашар экан: “Онажон, мен уни соғиндим... У ҳам мени соғинганмикан, сўранг-чи?”, дейиши билан уй деворида осилиб турган онасининг сурати пастга тушиб, шишаси синади, хона эшиги ёпилади. Шу онда Ёдгор кетаётган машинанинг тормози босилиб, дераза синган товуши эшитилади. Йигитнинг тақдири қандай якун топганини режиссёр мавҳум қолдиради, аниқроғи, буни ҳар бир томошабин ўзи хулоса қилади.

Фильмнинг ўзига хос услуби унинг тасвирий оламида кўзга ташланади. Оператор Рустам Мелиев янгича ёндошган ҳолда кадрларни турли ракурсда: қийшайтириб, қотириб, силкитиб суратга олган. Ёдгорнинг кундалик манзили — Тошкент-Бухоро йўналишидаги энг гўзал манзаралар рассом Алишер

Тўлабоев томонидан танлангани шубҳасиз. Фильм номидаги “Ҳамроҳ” ёзувининг “М” ҳарфида рамзийлик акс этган: ҳарфнинг икки четидан пастга қараб тушган чизиқчалар ўрнида йигит ва қиз бир-бирининг қўлини ушлаган ҳолати акс этган. Бундан кўринадики, режиссёр имкон қадар ҳар бир детал устида изланган.

Ақром Шаҳназаровнинг **“101-рейс”** (*Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги, “YOSHLIK” киностудияси, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги*) фильми уни ҳар томонлама юксалтирган экран асарларидан бири бўлгани шубҳасиз.

“Тошкент халқаро аэропорти”дан бортида 180 йўловчи ва 13 экипаж аъзоларидан иборат турли давлат фуқаролари билан ҳавога кўтарилган Boeing-757 самолёти командири Зархўжа Саидазимов 2001 йил 11 сентябрь куни Америкада содир бўлган теракт оқибатида фавқулодда ҳолат сабабли кутилган манзил — Жон Кеннеди аэропортидан тамомила бошқа ҳудудга, аниқроғи, Канададаги ҳарбий аэродромга кўнади. Фильмда замондошларимизнинг касбий маҳорати сабабли барча инсонларнинг жони омон қолгани ҳақида ҳикоя қилинади.

Реал воқеаларга асосланган мазкур фильмни яратиш учун салкам 5 йил вақт кетади. Бунинг ўзига хос сабаблари мавжуд эди: замондош қаҳрамон сифатида экранга олиб чиқилиши режалаштирилаётган инсоннинг прототипини яратиш учун аввал у билан учрашиб, сценарий ёзиш ва жасорат кўрсатган ўша маҳоратли учувчиларнинг қиёфасига ўхшаш актёрларни танлаш, муҳими, самолётда съёмка қилиш зарур эди.

Режиссёр фильмда имкон қадар ўша кунги воқеаларга ўзгартириш киритмасликка ҳаракат қилади. Бу ҳақда Ақром Шаҳназаров шундай фикр билдиради: “101-рейс” фильмининг 90 фоизи реал воқеаларга асосланган. Биз фақат 10 фоизини бадиийлаштирдик. Ярим йил давомида фильм бўйича ўрганиш ишлари олиб борилди. Фильмда гавдалантирилган воқеаларнинг эса ҳаммаси ҳақиқат!” [4]

Томошабин учун янги мавзу, янги қаҳрамонни экранда кўриш, албатта қувонарли. Айниқса, у кутилмаган вазиятлар, турли зиддиятларга бой бўлса, воқеалар тобора ривожланиб, охири нима билан яқунланиши мавҳум бўлса, инсон экрандан нигоҳини узмайди. Бу борада операторнинг маҳорати муҳим ўрин тутди. Фильмнинг постановкачи оператори Дилмурод Турдибоев ҳар бир кадрни суратга олишда алоҳида излангани сезилади. Чунки самолётнинг салони жуда кичик, эркин ишлаш учун қулай имконият йўқ. Шундай бўлса-да, ҳар бир қаҳрамонни турли ракурсда йирик планда уларнинг ички ҳисларини аниқ тасмага муҳрлай олган. Бу борада рассом Алишер Тўлабоев, либослар бўйича рассом Шаҳноза Абдуллажонова, шунингдек, фильм темпо-ритминини беришда

муносиб ҳисса қўшган монтаж устаси Хуршид Алихўжаевнинг ҳам хизматларини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Теракт содир бўлган куни осмонда парвоз қилиб, фавқулотда ҳолат сабабли бошқа жойга қўнган ўзимизнинг ўша тарихий самолётда суратга олиш ишларининг олиб борилгани ҳам фильмнинг муваффақиятларидан бири, дейиш мумкин. Чунки режиссёр осон йўлдан бориб, съёмка ишларини декорацияда ҳам амалга ошириши мумкин эди. Қолаверса, у замондош қаҳрамон сифатида экранга олиб чиқиладиган прототипларнинг ташқи қиёфасига ўхшаш инсонни топиш учун жуда кўплаб актёрларни кастингдан ўтказди. Мақсад — экранда ҳаётий образни таъсирли тарзда гавдалантириш.

Учувчилар учун танланган актёрлар — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳошим Арслонов, Умид Искандаров, Самидхон Лутфуллаев ўзига ишониб топширилган ролни худди шу соҳа вакиллари кутилмаган вазиятда ўзини қандай тутган бўлса, айнан ўша вазиятни томошабин кўз олдида жонли гавдалантиришга ҳаракат қилган.

Айниқса, Ўзбекистон Қаҳрамони — командир Зархўжа Саидазимовнинг бундай вазиятдан чиқишда қандай жасорат кўрсатганини Ҳошим Арслонов Зариф образи орқали бадиий ифода этган. Ундаги кечинмаларни томошабин актёр маҳорати орқали ҳис қилади. Ўзи ҳам гўё ўша вазиятда шу самолётда учаётгандек ҳис қилади. Фильмда йирик кадрлардан кўп фойдаланилган, бу эса томошабинга қаҳрамоннинг ички оламини чуқурроқ ҳис қилиш имконини беради.

Учувчи образини яратиш учун актёрлар махсус тайёргарлик курсларига қатнаган. Кези келганда, бошқа фильмларда суратга тушишга рад жавобини беришга тўғри келган. Бу ҳақда иккинчи учувчи ролини ижро этган Самидхон Лутфуллаев шундай дейди: “Айнан шу роль туфайли бошқа таклифлардан воз кечишимга тўғри келган. Чунки 4 ярим йил мўйловда юришга мажбур бўлганман”. [5]

Образ яратиш ва ролда яшаш орасидаги тафовут жуда катта. Актёр ўз ролини юракдан ҳис қилиб, қаҳрамонининг ҳаёти билан яшай олсагина кўзланган мақсад амалга ошади. Аксинча бўлса, образнинг моҳияти тўлиғича очилмайди. Ўз ролида яшаган актёрлардан бири Умид Искандаров қуйидаги фикрларни билдирган: “Премьера куни узоқ кутилган кун, бу кун ҳар бир актёр, бутун суратга олиш гуруҳи учун байрам кунидир. Мен ушбу фильмнинг премьерасини интиқлик билан кутгандим, чунки унинг сюжети мен учун жуда қадрли. Менинг фильмографиямда, “101-рейс” фильмининг алоҳида ўрни бор. Съёмка жараёнлари узоқ давом этди ва ижодий ишларимнинг энг қизиқарлиси бўлди”. [6]

Стюардессалар образи учун танланган актрисалар — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Лола Элтоева, Баҳора Арслонова, Нигина Анарбоева ҳар қандай

вазиятда ҳам, ҳаттоки фавқулотда ҳолат рўй беришига қарамай, ваҳима қилишга ҳаққи йўқ касб эгаси эканини таъсирли ифодалай олган. Гарчи ўзида кўрқув бўлса-да, буни йўловчига билдирмаслик қанчалик муҳимлигини намоён этган.

Йўловчилар учун танланган актёрлар — Ўзбекистон халқ артисти Муқаддас Холиқова, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Фарҳод Абдуллаев, Хуршид Тўхтаев, Эркин Бозоров образи орқали турли характерли, ҳар хил ўй-хаёлли, турфа мақсадли замондошларимизни кузатамиз. Шунингдек, фильмда Фурқат Файзиев, Баҳром Матчанов, Отабек Мусаев каби кўплаб истеъдодли актёрлар ҳам эса қоларли ролларни ижро этган.

Ақром Шаҳназаров аввалги ижодий ишларидан фарқли ўлароқ, мазкур фильмда жуда катта масовка билан ишлайди. 180 та йўловчи, актёрлар ансамбли — самолёт учувчилари, стюардессалар, Ўзбекистондаги юқори лавозимли шахслар, чет элдаги соҳага алоқадор касб эгалари, ҳарбийлар ва ҳоказо. Ҳар бир образнинг либослари, соч турмаклари ўша даврга хос бўлишига алоҳида эътибор қаратади. Хуллас, барча деталлар инobatга олинган. Шу боис экранда яқин ўтмишимиздаги реал воқеага асосланган таъсирли бадиий фильм ва замонамизнинг чинакам қаҳрамони пайдо бўлди.

Бундай узоқ йиллик машаққатли ижодий изланиш натижаси ўзбек киноси тарихида муҳим аҳамиятга эга экани шубҳасиз. Чунки давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2017 йил 3 август куни Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашув чоғида қуйидаги фикрни билдирганди: “Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади”. [3] Ўша пайдан бошлаб ён-атрофимизда яшаётган инсонлар орасидан чин маънода жасорат кўрсатган халқ қаҳрамонларини излаш ишлари бошланган эди. Мазкур фильм ғояси ҳам айнан ушбу учрашувдан кейин вужудга келган, десак муболаға бўлмайди.

Тўғри, экранда тўқима образдан кўра ҳаётий прототипни гавдалантириш жуда мушкул. Балки шунинг учун ҳам фильмларда тўқима образлар устунликка эгадир?! Аммо тан олиш керак, ҳаётий воқеалар ва аниқ прототиплар асосида яратилган образларнинг таъсири жуда кучли бўлишини инкор этиб бўлмайди. Бу фикрни “101-рейс” мисолида ҳам тасдиқлаш мумкин. Шундай экан, режиссёрларимиз турли-туман замондош қаҳрамонларни излаб топиб, уларни экранга кинематографик талқинда ўзига хос усулда олиб чиқадиган вақт келди.

Яхши фильм ҳамиша ҳамма ерда эътироф этилади. Ўзбек киносининг янги даврида яратилган энг муваффақиятли экран асарларидан бири бўлган “101-рейс” фильми давлатлараро “Мир” телерадиокомпаниясининг “Кино тили – дўстлик тили” номинациясининг махсус мукофоти билан тақдирланган.

Шунингдек, 2022 йил 4 ноябрь куни Туркиянинг Бурса шаҳрида “Қўрқут ота” туркий халқлар кинофестивали доирасида “Ўзбекистон киноси кунлари”да фильмлар намойиши дастуридан “101-рейс” фильми ҳам ўрин олгани аҳамиятлидир. Бундан ташқари, мазкур фильм юртимиз бўйлаб ўтказилаётган “Киноқарвон” лойиҳаси доирасида ҳам турли вилоятларда яшовчи юртдошларимизга намойиш этиб келинмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абул-Касимова Х. Кино и художественная культура Узбекистана. — Ташкент: “Фан”, 1991. – 148 с.
2. Каримова Н. Игровой кинематограф Узбекистана. — Ташкент. “San`at”, 2016. — 216 с.
3. Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш — халқимиз маънавий олами юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи. 2017, 4 август.
4. Шаҳназаров А. Ўзбекистон кинематография агентлигининг телеграмдаги расмий каналига берган интервьюси. 2022 йил 2 июнь. <https://t.me/uzbekkinopress>
5. Лутфуллаев С. Ўзбекистон кинематография агентлигининг телеграмдаги расмий каналига берган интервьюси. 2022 йил 11 август. <https://t.me/uzbekkinopress>
6. Искандаров У. Ўзбекистон кинематография агентлигининг телеграмдаги расмий каналига берган интервьюси. 2022 йил 2 июнь. <https://t.me/uzbekkinopress>